

**Омонулло Бўриев**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИЙ  
ГЕОГРАФИЯСИДАН  
ЛАВҲАЛАР**

(ёзма манбалар тадқиқи ва таржималар)

Ўқув қўлланма

**«ТАФАККУР» НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 2015**

УЎК  
УДК

**Такризчилар:**

М.Ҳасанов – т.ф.д.

З.Саидбобоев – т.ф.н., доцент

Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган “Марказий Осиё тарихий географиясидан лавҳалар (ёзма манбалар тадқиқи ва таржималар)” деб номланган ушбу ўқув кўлланмада бирламчи манбалардан Марказий Осиёнинг II-XV асрлардаги тарихий географияси, топонимияси, этник-худудий ҳолати ва шаҳарлари тарихий географияси бўйича маълумотлар илмий изоҳли таржима ва тадқиқотлар шаклида келтирилган. Китоб манбашунослик, Марказий Осиё тарихий географияси, этник тарихи, тарихий топонимияси дарслари учун бевосита илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўқув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 2 февралдаги 32 сонли буйруғига асосан нашрга рухсат этилган.

ISBN 978-9943-24-86-5

© «ТАФАККУР» нашриёти, 2015

## СЎЗБОШИ

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, унинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари кенгайиб, география, шу жумладан, тарихий география соҳасидаги билимларга бўлган эҳтиёж ортди. Зеро ҳозирги вақтда табиатни, жумладан, унинг тарихини умумий тарзда ёки маълум ўлкалар бўйича инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш қатор муаммолар- табиатни муҳофаза қилиш, атроф- муҳитни соғломлаштириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, экологик ва бошқа шу каби муаммоларни ҳал этишда аҳамият касб этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, тарихий географик тадқиқотлар табиат ва жамият тараққиётининг ўтмишдаги ҳолатини аниқлаш ҳамда уни ҳозирги жараён билан қиёслаб тегишли назарий хулосалар чиқариш, амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва шу асосда айрим мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун зарур маълумотлар бера олади. Масалан, Ўрта Осиё табиатини ҳар томонлама ўрганиш бугунги кунда жаҳондаги долзарб муаммолар қаторидан ўрин олган (Орол денгизининг тақдири, сувлардан оқилона фойдаланиш, хўжаликни комплекс ривожлантириш ва х.к.).

Тарихий география табиат ва жамият тараққиётининг ўтмиши билан боғлиқ кенг тушунча бўлиб, вақт жиҳатдан узоқ даврни қамраб олади ва бу соҳадаги тадқиқотлар турли манбаларга таянади. Агар анча қадимги давр учун археологик топилмалар асосида қилинган хулосалар муҳим бўлса, ўрта асрлар тарихи кўпроқ ёзма манбалардан ўрин олган. Дастлабки ёзма манбалар- бу турли жойлардан топилган тош битиклар ва узоқ мозийда ёзилиб бизнинг давримизгача етиб келган китоблардир. Уларда Ўрта Осиёнинг милодгача бўлган табиати ва халқлари ҳақида хабарлар қайд этилган (Аҳамонийлар даври битиклари, Авесто, Маҳабхарата ва б.). Қадимги Юнон олимларининг асарларида ва хитой солномаларида ҳам бирмунча аниқ муҳим хабарлар бор.

Ўрта асрлар даври учун эса, бой ёзма мерос мавжуд бўлиб, улар асосан араб, форс ва туркий тилларда ёзилган. Табиийки, тарихий-географик маълумотлар биринчи навбатда географик ва тарихий-географик асарлардан кўпроқ ўрин олган. Қадимги юнон олими Клавдий Птолемейнинг “Географиядан қўлланма”,

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз”, Абу Зайд Балхий, ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқал қаламига мансуб “Китоб ал-масолик ва-л- мамолик”, муаллифи ноъмалум “Худуд ул-олам”, Нажиб Бакроннинг “Жаҳоннома”, Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб”, Ҳамдаллоҳ Муставфий Қазвинийнинг “Нузҳат ал-кулуб” (XIV), Ҳофизи Абрунинг “География” (XV), Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (XVI), Амин Муҳаммад Розийнинг “Ҳафт иқлим” (XVI), Султон Муҳаммад Балхийнинг “Мажмаъ ал-ғаройиб” (XVI), Абулғозийнинг “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” (XVII), Муҳаммад Тоҳирнинг «Ажойиб ат-табақот» (XVII), Маҳмуд ибн Валийнинг “Баҳр-ул-асрор” (XVII), Худойберди ибн Қўшмуҳаммаднинг “Дил ғаройиб” (XIX), Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” (XIX) каби асарлари ана шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, тарихий-географик тадқиқотлар учун тарихий ва бошқа мавзуларга оид асарлар ҳам фойдалидир. Чунончи Ўрта Осиёнинг XIV-XV асрлардаги тарихий-географиясига оид маълумотлар ўша даврда ёзилган тарихий-географик, тарихий ва бошқа асарлар, ҳужжатлар, тазкиралар, мақомотлар, иншо-ёзишмалар қабилардан ўрин олган. Яхлит ёзма манбалар - Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ат-таворих”, Ҳофизи Абрунинг “География” ва “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Фасих Аҳмад Хавофийнинг “Мужмали Фасихий”, Ибн Арабшоҳнинг араб тилида ёзилган “Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Темур”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн”, Мирхонднинг “Равзат ас-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ас-сияр”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларидир. Шу даврда Самарқандга Испаниядан элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавихонинг кундалигида ҳам қимматли тарихий-географик маълумотлар бор.

Қайд этилган манбаларда Марказий Осиёнинг кейинги икки минг йиллик тарихий-географияси камраб олинган ва улардан ўлканинг тоғ, водий, дашт ва чўллари, маъданлари, сувлари, ўсимликлари, хайвонот олами, сиёсий-маъмурий таркиби, этник

ҳолати, шаҳар ва қишлоқлари, хўжалиги, халқаро муносабатлари географияси ҳақида маълумотлар ўрин олган.

“Марказий Осиё тарихий географиясидан лавҳалар (ёзма манбалар тадқиқи ва таржималар)” деб номланган ушбу ўқув қўлланмада Қадимги Юнон олими Клавдий Птолемейнинг “Географиядан қўлланма”, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг “Китоб сурат ал-арз”, Абу Райҳон Берунийнинг бир нечта асарлари, муаллифи номаълум “Худуд ул-олам”, темурийлар даври манбаларидан Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги”, Ҳофизи Абрунинг “География”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома” каби манбалар асосида ёзилган тарихий-географик тадқиқотлар ҳамда илмий-изоҳли таржималар ўрин олган. Китобхонлар учун ўқув қўлланмадан фойдаланишни қулай қилиш мақсадида, ундаги маълумотлар мазмун жиҳатдан тўрт бобга (Марказий Осиёнинг умумий тарихий-географик тавсифи, маъмурий-худудий ва этник-худудий ҳолати, тарихий топонимияси, шаҳарлар тарихий географияси) бўлиб жойлаштирилди.

Ўқув қўлланманинг “Бобурнома”да Марказий Осиё топонимияси” қисмида мазкур асарда қайд этилган жой номларининг фақат бир қисмига изоҳлар ёзилган. Топонимнинг ушбу манбада ёки Темурийлар даври тарихий манбаларида қайд этилган фаркли шакллари қавсда кўрсатилган. Изоҳларда жой номлари алфавит тартибида жойлаштирилди ва ўқувчиларга қўшимча маълумот бўлиши эътиборидан, айрим топонимлар учун ўша жойнинг ҳозирги интернет сайтлари воситасида олинган расмлари ҳам илова қилинди.

Таржималардан кенгроқ тушунча ҳосил қилиш учун улар қисқа изоҳлар билан бойитилди ва фойдаланилган манбалар ва адабиётлар матн ичида рақамланган шаклда қайд этилиб, уларнинг тўла номланиши китоб охирига жойлаштирилган “Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар” рўйхатида матндаги рақамлари бўйича берилди.

Таржима-лавҳаларда изоҳлар оддий қавс - (...) ва таржимон қўшимчалари ўрта қавс - [...] га олинган.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ УМУМИЙ ТАРИХИЙ- ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

### Птолемей ва Муҳаммад Мусо Хоразмий асарларида Марказий Осиё

Муҳаммад Мусо Хоразмий VIII-IX асрларда Шарқнинг йирик илмий маркази саналмиш Бағдодда яшаб ижод этган, математика, астрономия, тарих ва география соҳалари бўйича асарлар ёзиб қолдирган таниқли олим.

Маъмун подшоҳ хукмронлигида Бағдод ва яна бир қанча шаҳарларда кенг қўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Географик изланишлар сирасига осмон ва ер юзининг батафсил карталарини тузиш ишларини кўрсатиш мумкин. Бу аслида “Жаҳон карталари” мажмуасидан иборат дунё атласи эди. Атлас тузишда етмиштacha олим шуғулланган, шу жумладан, ал-Хоразмий ҳам иштирок этган. Бу карталар йиғиндиси «Маъмун дунё картаси» номи билан ҳам юритилган. Ундан баъзи карталар, шунингдек, дунё картаси ҳам бизгача етиб келган. Ал-Хоразмий 828 йили Бағдод обсерваториясининг ер юзи айланасидаги бир градус миқдорини ўлчаш экспедициясида қатнашгани ҳам маълум. Унинг асарларида Ер юзасидаги қуруқликнинг катталиги тўғрисида ҳам мулоҳазалар айтилган.

Энг муҳими, ал-Хоразмий карталар ва уларга берилган изоҳномалардан иборат “Китоб сурат ал-арз” (“Ер сурати китоби”) деб номланган географияга оид асар ёзиб қолдирган. Ҳозирги вақтда ушбу китобнинг фақат битта қўлёзмаси бор, 1878 йилда Қоҳирада топилди. Қоҳира кутубхона бошлиғи немис арабшунос олими В.Спитта қўлёзмани шу йилнинг ўзида Европага олиб ўтди ва Страсбург кутубхонасига (Франция) топширди.

Қўлёзма ҳижрий 428 йил рамазон ойи (милодий 1037 йил июнь-июль) да кўчирилган бўлиб, жами 48 варақ (96 саҳифа)дан иборат. Асар матни арабча, насх хатида битилган ва унда китобнинг тўла номи “Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг Клавдий Птолемей “География” китоби асосида тузган шаҳарлар, тоғлар, дарёлар, ороллар ва денгизлардан (иборат) Ер сурати китоби” шаклида қайд этилган.

“Сурат ал-арз” да аввало шаҳарлар бирма-бир санаб ўтилган, сўнгра тоғлар, денгиз ва оролларнинг номлари, энг охирида дарёлар ёзилган ва уларнинг координаталари кўрсатилган; номсиз шаҳар, тоғ, дарёлар ҳам анчагина. Демак, китоб карта асосида тузилган. Ҳозирги вақтда асар ўзбек тилига ўгирилиб чоп бўлган (1983) ва битта рисола ҳам нашр этилган (1).

Ал-Хоразмий “Сурат ал-арз” асарини ёзишда Птолемейнинг «География»сидан танқидий ёндашиб фойдаланган, ўз даври илм-фан ютуқларига таяниб жуда кўп янги маълумотлар киритган. Натижада ўзига хос янги бир асар вужудга келган. Птолемей ойкумена – ер юзасининг обод қисмини уч бўлакка – Европа, Ливия (Африка), Осиёга бўлиб тасвирлаган ва географик объектларни (шаҳарлар, тоғлар, дарёлар ва ҳ. к.) ана шу қитъалар тартибида изоҳлаган. Ерни экватордан шимолга 21 зонага бўлган. Ал-Хоразмий Ерни етти иқлимга тақсимлаб, шаҳарлар, тоғлар, дарёларни иқлимлар тартибида жойлаштирган.

Птолемей Ер юзасини қитъалар тартибида 94 епархия (область) га бўлган. Ал-Хоразмий “Сурат ал-арз”да маъмура – ер юзининг одамлар яшайдиган обод қисмини 56 билод (ўлка)га бўлган. Бу ўлкалар иқлимлар тартибида ғарбдан шарққа йўналишда ёзилган ва уларнинг сони ҳар бир иқлимда ҳар хил: экватордан жанубда битта, биринчи иқлимда саккизта, иккинчи иқлимда ўн битта, учинчи иқлимда бешта, тўртинчи иқлимда ўн тўртта, бешинчи иқлимда бешта, олтинчи иқлимда бешта, еттинчи иқлимда еттита билод (вилоят ёки ўлка) бор.

Ал-Хоразмий вилоятлар рўйхатини тузишда Птолемей асаридан кўра, кўпроқ ундаги карталардан фойдаланган. Вилоятлар учун кўрсатган географик координаталар Птолемей маълумотларидан фарқ қилади.

Птолемей «География»си билан ал-Хоразмийнинг «Сурат ал-арз» асари ўртасидаги асосий фарқлардан бири, ал-Хоразмийда жой номларининг Птолемейдагидек юнонча эмас, балки Шарқ анъанасида берилишидир: Макка, Мадина, Бағдод, Шом, Озарбайжон, Табаристон, Кобул, Самарқанд, Бухоро, Усрушана, Шош, Турк, Туғузғуз, Сарандиб ва ҳ.к.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг Марказий Осиё ҳақида ёзган географик маълумотлари ҳам ўзига хос томонларга эга.

Птолемейнинг «Географиядан қўлланма» асаридаги жадвал (карта) лардан бирида Марказий Осиё территорияси ва унга ёндош ерлар акс этган бўлиб, унда бир неча епархия (область) ва ўттиздан ортик шаҳар кўрсатилган. Шу билан бирга тоғлар, дарёлар, баъзи қабила (тохарлар, массагетлар, скифлар) номлари ҳам ёзилган. Лекин деярли ҳамма номлар юнончага мослаб берилган лигидан ҳар бир номнинг мазмуни ҳозир қайси жойга тўғри келишини аниқлаш анча мушкул. Картада кўрсатилган номлар: Мараканда – Самарқанд, Чекка Александрия – Хўжанд, Оксус дарёси – Амударё, Яксарт дарёси– Сирдарё, Политимет дарёси– Зарафшон дарёси, Марг дарёси – Мурғоб дарёси, Ох дарёси – Тажан дарёси, Антиохия–Маргиана–Марв, Окс тоғи – Устюрт платоси, Комед – Помир тоғлари, Авзакий – Тяньшань, Аскатан – Шимоли-Ғарбий Тяньшань ёки Қоратов, Согд–Зарафшон ҳавзасидаги тоғларга тўғри келади.

Бироқ картада географик объектларнинг бир қисми ноаниқ тасвирланган. Лекин шунга қарамасдан, Птолемейнинг Марказий Осиё территорияси тасвирланган картасини бутунлай хато деб бўлмайди. Уни ўз даври нуқтаи назаридан баҳолаганда, у аввало, Марказий Осиёнинг бизгача етиб келган нисбатан бирмунча аниқ энг қадимги картасидир. Чунки Геродотдан кейин Птолемей замониғача яшаган юнон олимлари Каспий денгизини Шимолий океан (яъни Шимолий Муз океани) қўлтиқларидан бири деб ҳисоблаганлар. Птолемей картасида бўлса, Каспий денгизи ҳозиргидек ҳамма томондан куруқлик билан ўралган ёпиқ денгиз шаклида тасвирланган.

Ал-Хоразмийнинг “Китоб сураат ал-арз” асарида ҳам Марказий Осиёга оид географик объектлар – шаҳар, ўлка, тоғ ва дарё номлари бор. Бироқ улар Птолемей «География»сида келтирилган маълумотлардан фарқ қилади. **(Расм № 1)**

**Каспий денгизи.** Птолемей картасида фақат иккита ном (Каспий, Гиркан) билан аталган бўлса, ал-Хоразмийда тўрт хил шаклда ёзилиб, “Баҳри Хоразм, Баҳри Журжон, Табаристон ва Дайлам битта (денгиздир)”, деб изоҳланган. Ўлчами ғарбдан шарққа Птолемей картасида  $23^\circ$ , ал-Хоразмийда –  $15^\circ 30'$ , аслида –  $8^\circ$ ; ал-Хоразмий ўз навбатида Каспийнинг контурини Птолемейга нисбатан аниқроқ тасаввур этган, бу денгизга қуйиладиган энг



катта дарёларни ва унинг атрофидаги ўлка, шаҳар, тоғларни анча аниқ билган.

**Орол денгизи.** Птолемейнинг Марказий Осиё картасида кўрсатилмаган. Юнонларда Орол денгизи ҳақида умуман тасаввур бўлмаган, чунки уларнинг шарқий территориялар тўғрисидаги билимлари, асосан, Александр Македонский юриши билан боғлиқ жойлар доирасида чекланган ва Марказий Осиёнинг шимолӣ қисми ҳақидаги тасаввурлари, турли фаразларга таянган эди. Шу сабабдан Амударё ва Сирдарё Птолемей картасида Каспий денгизигача чўзиб олиб борилган.

Орол денгизи ҳақидаги дастлабки картографик маълумотлар ал-Хоразмийнинг “Сурат ал-арз” асарида берилганлар билан бошланади. Ал-Хоразмийнинг ёзишича, Балх дарёси (Амударё) каттагина бир кўлга қуйилади. Бу кўлнинг номи айтилмаган бўлса ҳам унинг Орол денгизи эканлиги аниқ. Чунки ал-Хоразмий кўлнинг чекка нуқталари координаталарини ҳам кўрсатган:  $86^{\circ}30' - 90^{\circ}$  узунликда ва  $39^{\circ} 10' - 42^{\circ}$  кенгликда, яъни бу кўл ғарбдан шарққа  $3,5^{\circ}$  ва шимолдан жанубга  $2^{\circ}50'$  ораликда. Бу рақамларнинг тўғрилигини албатта нисбий деб тушуниш керак. Координаталар кўрсаткичида айрим фарқлар бўлишидан қатъий назар, бу ерда энг муҳими, Орол денгизи географик ўрнининг ал-Хоразмий томонидан кенглик ва узунлик бирликларида ифодаланишидир. Ал-Хоразмий Каспий ва Орол денгизларининг катталиқ нисбатини ҳам тўғри кўрсатган.

**Амударё.** Птолемей картасида Оксус (этимологияси мазкур топонимик маҳаллий аталишига асосланган) деб аталган ва Каспий денгизига қуйилади. Ал-Хоразмий бўлса Амударёни Балх дарёси дейди. Балх шаҳри ўрта асрларда Амударё яқинидаги энг машҳур шаҳарлардан бўлганлиги учун дарё шу шаҳар номи билан аталган; дарёнинг йўналишини ҳам тўғри тасаввур этган: Балх шаҳри яқинидан, сўнгра Хоразмнинг пойтахти (яъни Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳри) ёнидан, давоми эса, кўл (Орол денгизи)га қуйилган жойгача Эли Хоразм (яъни Хоразм мамлақати) худудидан оқиб боради.

**Сирдарё.** Ал-Хоразмий ёзган Сирдарё Птолемейдаги Яксарт (Сирдарё)дан фарқ қилади. Птолемейда Яксарт Комед (Помир) тоғларидаги бир-бирига яқин жойлашган учта ирмоқдан

бошланиб, Каспий денгизига куйилади ва  $97^{\circ}$ – $124^{\circ}$  узунликлар оралигида.

Ал-Хоразмий бу дарёнинг номини ёзмаган бўлса ҳам жуда узун дарё ( $90^{\circ}$ – $129^{\circ}$  узунликлар оралигида), деб таъкидлайди. Дарё аввалида Птолемейдагидек учта ирмоқдан сув олса-да бироқ, уларнинг йўналиши бошқача. Ал-Хоразмий тасвирлаган ирмоқлар Сирдарёнинг бошланиш қисмини эслатади. Яъни дастлаб кўрсатилган иккита ирмоқдан бири ҳозирги Норин дарёси ва иккинчиси Қорадарё, учинчи ирмоқча бўлса, Сирдарёнинг чап ирмоқларидан бири. Ал-Хоразмий дарё узун тоғни кесиб ўтишини ҳам ёзган. Ҳақиқатда ҳам шундай, Сирдарё Хўжанд ва Усрушана (Ўратепа) оралигида Туркистон ва Қурама тоғ тизмалари туташган жойдан кесиб ўтади. Ниҳоят, Сирдарёнинг Орол денгизига куйилганлиги ҳақида ҳам ёзилган. Яъни Сирдарё Хазар шаҳрига етгандан сўнг (Каспий) денгизи билан Хоразм Эли оралигидан оқиб ўтиб, кўлга (Орол денгизига) куйилади.

**Мурғоб дарёси.** “Сурат ал-арз” да Мурғоб дарёсининг номи ёзилмаган бўлса ҳам йўналиши аниқ берилган. У Марв ва Марвируд шаҳарлари ёнидан оқиб ўтади ва худди ҳозиргидек кумларга шимилиб тугайди. Бу дарё Птолемей картасида Марг номи билан маълум бўлиб, дастлаб тоғдан иккита ирмоқ шаклида бошланади, сўнгра бирлашиб Оксус (Амударё)га куйилади.

**Шаҳарлар ва вилоятлар.** Марказий Осиёнинг ўша пайтдаги асосий шаҳарларидан ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Амуя, Усрушана, Хўжанд, Ахсикатнинг географик жойлашиши ал-Хоразмий асарида тўғри кўрсатилган. Жойларнинг координаталари Птолемейдагидан фарқ қилади. Масалан, Самарқанд (Мараканда) Птолемейда  $112^{\circ}$  географик узунликда берилган бўлса, ал-Хоразмийда -  $89^{\circ}30'$  узунликда кўрсатилган, аслида Гринвичдан  $67^{\circ}$  шарқда жойлашган. Птолемей ва ал-Хоразмий асосланган бош меридиан Гринвич меридианидан тахминан  $18^{\circ}$  ғарбдан ўтади. Бундан  $67^{\circ}+18^{\circ}=85^{\circ}$ . Демак, Ал-Хоразмий маълумотлари ҳақиқийсига анча яқиндир.

“Сурат ал-арз”да санаб ўтилган шаҳарларни картага жойлаштирилса, ал-Хоразмий кўпроқ савдо йўлларида жойлашган шаҳарларни тасвирлагани маълум бўлади. Яъни, нисбатан анча машхур бўлган географик объектларни тасвирлаб ёзган. Чунки



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1334> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1334> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1334>